

ALISHER NAVOIY

INTERNATIONAL JOURNAL

*A. Navoiy tavalludining 581 yillik
yubileyiga bag'ishlanadi*



TOSHKENT-2022

ISSN 2181-1490

Doi Journal 10.26739/2181-1490

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ



Tadjqiqot.uz



TOSHKENT-2022



**ALISHER NAVOIYNING 581 YILLIK
YUBILEYIGA BAG'ISHLANADI****ПОСВЯЩАЕТСЯ 581 ЛЕТНОМУ
ЮБИЛЕЮ АЛИШЕРА НАВОИ****DEDICATED TO THE 581th ANNIVERSARY
OF THE BIRTH OF ALISHER NAVOI**

Buyuk shoir va mutafakkir, atoqli davlat va jamoat arbobi Alisher Navoiyning bebaho ijodiy-ilmiy merosi nafaqat xalqimiz, balki jahon adabiyoti tarixida, milliy madaniyatimiz va adabiy-estetik tafakkurimiz rivojida alohida o'rin tutadi. Ulug' shoir o'zining she'riy va nasriy asarlarida yuksak umuminsoniy g'oyalarni, ona tilimizning beqiyos so'z boyligi va cheksiz ifoda imkoniyatlarini butun jozibasi va latofati bilan namoyon etib, yer yuzidagi millionlab kitobxonlar qalbidan munosib va mustahkam o'rin egalladi.

***O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***

Бесценное творческое и научное наследие великого поэта и мыслителя, известного государственного и общественного деятеля Алишера Навои играет важную роль в истории не только отечественной, но и мировой литературы, развитии национальной культуры и литературно-эстетического мышления. В своих лирических и прозаических произведениях великий поэт, воспевая высокие общечеловеческие идеи, демонстрировал богатый лексический запас и выразительные средства родного языка, благодаря чему занял достойное место в сердцах миллионов читателей по всему миру.

***Президент Республики Узбекистан
Шавкат Миромонович Мирзиёев***

The invaluable creative and scientific heritage of the great poet and thinker, famous statesman and public figure Alisher Navoi has a special place not only in the history of our people, but also in the history of world literature, the development of our national culture and literary and aesthetic thinking. The great poet, in his poetic and prose works, with his whole charm and grace, has taken a worthy place in the hearts of millions of readers around the world, expressing the high universal ideas, the incomparable richness of words and the infinite possibilities of expression of our native language.

***President of the Republic of Uzbekistan
Shavkat Miromonovich Mirziyoyev***



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI

Bosh muharrir:

Mirzayev Ibodulla*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*

Bosh muharrir o'rinbosari:

Jabborov Nurboy*f.f.d., professor
(O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY
XALQARO JURNALI HAY'AT A'ZOLARI:**Muhiddinov Muslihiddin***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sirojiddinov Shuhrat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Haqqulov Ibrohim***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rasulov Ravshanxo'ja***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dilorom Salohiy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Sodiqov Qosimjon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Mark Tutan***f.f.d., professor (Fransiya)***Binnatova Almaz Ulvi***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***To'xlijev Boqijon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shodmonov Nafas***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ramiz Asker***f.f.d., professor (Ozarbayjon)***Yo'ldoshev Qozoqboy***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Jo'raqulov Uzoq***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Vohid Turk***f.f.d., professor (Turkiya)***Nabiulina Guzal***f.f.d., professor (Tatariston)***Ibrohim Xudoyor***f.f.d., (Eron)***Yusupova Dilnavoz***f.f.d., dotsent (O'zbekiston)***Rahim Ibrohim***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Mirzayev Rahmatilla***y.f.n., dotsent, huquqshunos (O'zbekiston)***Muhitdinova Badia***f.f.n.dotsent (O'zbekiston)***Ruzmanova Roxila***dots., mas'ul kotib (O'zbekiston)***Narziyeva Ma'mura***kotib, o'qituvchi (O'zbekiston)*ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI ILMIY
MASLAHAT KENGASHI A'ZOLARI:**Toshqulov Abduqodir***i.f.d., (O'zbekiston)***Xalmuradov Rustam***t.f.d., professor (O'zbekiston)***Eshqobil Shukur***O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan
madaniyat xodimi, shoir (O'zbekiston)***To'xtasinov Ilhom***p.f.d. (O'zbekiston)***Rixsiyeva Gulchehra***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Benedek Peri***f.f.d., professor (Vengriya)***Ko'chiyev Ismat***publisist, O'zbekiston va Belorussiya yozuvchilar
uyushmasi a'zosi (O'zbekiston)***Olimov Karomatillo***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dadaboyev Hamidulla***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aitpayeva Gulnora***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Rahmonov Nasimxon***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Shomusarov Shorustam***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Dyu Rye Andre***f.f.d., professor (Fransiya)***Pervin Chapan***f.f.d., professor (Turkiya)***Safarov Renat***f.f.d., professor (Tatariston)***Hamroyev Juma***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Ibrohimov Elchin***f.f.n., professor (Ozarbayjon)***Jo'rayev Shokirjon***F-m.f.d., professor (O'zbekiston)***Hasanov Shavkat***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Nurullo Oltoy***f.f.n., (Afg'oniston)***Xalliyeva Gulnoz***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Alim Labib***f.f.d., professor (Afg'oniston)***Nodira Afoqova***f.f.d., professor (O'zbekiston)***Aftondil Erkinov***f.f.d., professor (O'zbekiston)*

**Главный редактор:**

Мирзаев Ибадулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Жабборов Нурбой
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Мухиддинов Муслихиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сирожиддинов Шухрат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Хаккулов Иброхим
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Расулов Равшанхужа
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилором Салохий
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Содиков Косимжон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Марк Тутан
д.ф.н., профессор (Франция)
Биннатова Алмаз Улви
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Тухлиев Бокижон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шодмонов Нафас
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рамиз Аскер
д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Юлдашев Казакбай
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Журакулов Узок
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Вохид Турк
д.ф.н., профессор (Турция)
Набиулина Гузаль
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Иброхим Худоев
д.ф.н., (Иран)
Юсупова Дилнавоз
д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рахим Иброхим
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Мирзаев Рахматилла
к.ю.н., доцент (Узбекистан)
Мухитдинова Бадиа
к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Рузманова Рохила
доц., отв. секретарь (Узбекистан)
Нарзиева Мамура
секретарь, преподаватель (Узбекистан)

**ЧЛЕНЫ НАУЧНОГО КОНСУЛЬТАТИВНОГО
СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА
АЛИШЕРА НАВОИ:**

Тошкуллов Абдукодир
к.э.д., (Узбекистан)
Халмурадов Рустам
д.т.н., профессор (Узбекистан)
Эшкobil Шукур
Заслуженный работник культуры Республики
Узбекистан, поэт (Узбекистан)
Тухтасинов Илхам
д.п.н. (Узбекистан)
Рихсиева Гулчехра
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бенедек Пери
д.ф.н., профессор (Венгрия)
Кочиев Исмаи
Публицист, член Союза писателей Узбекистана и
Беларуси (Узбекистан)
Олимов Кароматилло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дадабаев Хамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Айтпаева Гулнора
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рахмонов Насимхон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Шомусаров Шорустам
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дю Рье Андре
д.ф.н., профессор (Франция)
Первин Чапан
д.ф.н., профессор (Турция)
Сафаров Ренат
д.ф.н., профессор (Татарстан)
Хамроев Джума
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Иброхимов Элчин
к.ф.н., профессор (Азербайджан)
Джураев Шокирджон
д.ф.-м. н., профессор (Узбекистан)
Хасанов Шавкат
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нурулло Олтой
к.ф.н., (Афганистан)
Халлиева Гулноз
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Алим Лабиб
д.ф.н., профессор (Афганистан)
Нодида Афокова
д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Афтондил Эркинов
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

**Chief Editor:****Mirzaev Ibodulla***Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)***Deputy Chief Editor:****Jabborov Nurboy***Doc. of philol. scien., professor (Uzbekistan)*

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD OF
INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**

Mukhiddinov Muslikhiddin*Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sirojiddinov Shukhrat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Khakkulov Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rasulov Ravshankhuja***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dilorom Salokhiy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Sodikov Kosimjon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Mark Tutan***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Binnatova Almaz Ulvi***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Tukhliev Bokijon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shodmonov Nafas***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ramiz Asker***Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Yuldoshev Kozokboy***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Jurakulov Uzok***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Vokhid Turk***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Nabiulina Guzal***Doc. of philol. scien., prtof. (Tatarstan)***Ibrokhim Khudoyor***Doc. of philol. scien., (Iran)***Yusupova Dilnavoz***Doc. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Rakhim Ibrokhim***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Mirzayev Rahmatilla***Cand. of legal scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Mukhitdinova Badia***Cand. of philol. scien., assoc. prof. (Uzbekistan)***Ruzmanova Rokhila***Assoc. prof., Exec. Sec. (Uzbekistan)***Narziyeva Ma'mura***Secretary, teacher (Uzbekistan)*

**MEMBERS OF SCIENTIFIC ADVISORY BOARD
OF INTERNATIONAL JOURNAL OF ALISHER
NAVOI:**

Toshkulov Abdukodir*Doc. of econ. scien., (Uzbekistan)***Khalmuradov Rustam***Doc. of technic. scien., prof. (Uzbekistan)***Eshqobil Shukur***Honored Worker of Culture of the Republic of Uzbekistan, poet (Uzbekistan)***Tukhtasinov Ilkhom***Doc. of pedag. scien. (Uzbekistan)***Rikhsieva Gulchekhra***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Benedek Peri***Doc. of philol. scien., prof. (Hungary)***Kochiyev Ismat***Publicist, member of the Writers' Union of Uzbekistan and Belarus (Uzbekistan)***Olimov Karomatullo***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dadaboev Khamidulla***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aitpaeva Gulnora***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Rakhmonov Nasimxon***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Shomusarov Shorustam***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Dyu Rye Andre***Doc. of philol. scien., prof. (France)***Pervin Chapan***Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)***Safarov Renat***Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)***Khamroev Juma***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Ibrokhimov Elchin***Cand. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)***Juraev Shokirjon***Doc. of phys.-math. scien., prof. (Uzbekistan)***Khasanov Shavkat***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Nurullo Oltoy***Cand. of philol. scien., (Afghanistan)***Khallieva Gulnoz***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Alim Labib***Doc. of philol. scien., prof. (Afghanistan)***Nodira Afokova***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Aftondil Erkinov***Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)***Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев****Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**ООО Tadqiqot город Ташкент,
улицв Амира Темура пр. 1, дом-2.Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uzTadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr. 1, House 2.Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI

1. Bayram BİLİR

ORHUN YAZITLARINDA VE ALİ ŞİR NEVAI'NIN İLK DİVANINDA OLUMLU TİP
KAVRAMLAR9

NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI

2. Ozan Yılmaz

ALİ ŞİR NEVÂ'YÎ'NİN HAMSESİNDE EMÎR HÜSREV-İ DEHLEVÎ'YE DAİR
GÖRÜŞLERİ15

3. Эркинов Афтондил

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ БУТУНЖАҲОН ФЕҲРЕСТИНИ ЯРАТИШ
МАСАЛАСИ29

HAQIQAT SARI SAFAR

4. Muslikhiddin Kutbiddinovich Mukhiddinov

IMAGE OF THE PROPHET36

5. Қозоқбой ЙЎЛДОШ

ТЕРАН ТУЙГУЛАРНИНГ ЖОНЛИ МАНЗАРАЛАРИ45

MA'RIFAT YOG'DUSI

6. Салоҳий Дилором Исомиддин қизи

НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН ВА ИЖТИМОИЙ ЖАМИЯТ
АХЛОҚИ МАВЗУСИ50

7. Жабборов Нурбой Абдулҳакимович

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА “АҲЛИ МАОНИЙ” ТУШУНЧАСИНИНГ
ЎРНИ ВА ИРФОНИЙ МОҲИЯТИ55

8. Нафас Шодмонов

ТАСАВВУФ АДАБИЁТИДАГИ “КЎЗГУ” ТИМСОЛИНИНГ НАВОИЁНА
ТАЛҚИНИ65

9. Асрорхон Аббосов

НАВОИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ЎРГАНГАН АСАРЛАР: “САҲИҲИ БУХОРИЙ” ДА ОДОБ-
АХЛОҚҚА ДОИР ҲАДИСЛАР78

ASLIYAT UMMONI

10. Bertels Y.E.

NAVOIY VA ATTOR. Rus tilidan I.K.Mirzayev tarjimasi (parcha)83

TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI

11. Уралов Ахтам Синдарович, Холдоров Хусан Нортोजиевич

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИ БОҒЛАРИ95

12. Холиқов Умиджон Қўчқарович, Холиқова Сайёра Қўчқаровна

НАВОИЙ ДАВРИДА ШАХМАТ ЎЙИНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН103

NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI

13.Қобилов У. У.

“ЮСУФНОМА” МАВЗУСИ ВА УНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДАГИ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР.....109

14.Холйигит Холмуродов

МУМТОЗ АДАБИЁТДА ФАРҲОД ОБРАЗИ ГЕНЕЗИСИ ВА УНИНГ НАВОИЙ
ШЕЪРИЯТИДА ИФОДАЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ.....118

15.Murat ŞAHİN

ALİ ŞİR NEVÂÎ’NİN “MAHBÛBU’L KULÛB” ADLI ESERİNİN DEĞERLER
AÇISINDAN İNCELENMESİ.....124

ILM, OLAM VA OLIM

16.Ernazarova Iroda Shavkatovna

ESHQOBIL SHUKUR – NAVOIYGA MUNOSIB IZDOSH.....134

17.Eshnazarov Sulaymon Qulmuhammad o‘g‘li

ALISHER NAVOIYNING “SAB’AT UL-ABHUR” ASARI
LUG‘ATSHUNOSLIKDA NODIR MANBA SIFATIDA.....140

TALQIN, TAHLIL VA TAQRIZ

18.O‘ngalova Guldasta

Y.E.BERTELS NAVOIY IJODI TADQIQOTCHISI.....144

NAVOIY VA TA’LIM-TARBIYA MASALALARI

19.Сирдарёхон Ўтанова

ИНСОН АХЛОҚИНИНГ РАНГЛИ МАНЗАРАЛАРИ.....151

20.Gulchehra Ahatova

“MAHBUB UL-QULUB” ASARINING BUGUNGI YOSHLARDA MA’NAVIY SIFATLAR
SHAKLLANTIRISHDAGI O‘RNI.....157

**AZIZ MUSHTARIY!**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning "Buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiy tavalludining 580 yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi PQ-4865-son Qarorida "Alisher Navoiy asarlarida teran ifoda topgan milliy va umuminsoniy g'oyalarning jahon tamaddunida tutgan o'rnini hamda o'sib kelayotgan yosh avlodning intellektual salohiyatini oshirish, ular qalbida yuksak axloqiy fazilatlarni tarbiyalashdagi beqiyos ahamiyatini nazarda tutib, shuningdek, ulug' shoir va mutafakkirning adabiy-ilmiy merosini mamlakatimizda va xalqaro miqyosda yanada chuqur tadqiq qilish va keng targ'ib etish..." lozimligi alohida ta'kidlangan.

Bu filologiya ilmi va navoiyshunoslik, xususan, adabiy ta'sir, qiyosiy adabiyotshunoslik, matnshunoslik va tarjima masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilar zimmasiga jahonning ilg'or texnologiyalari, nazariy g'oyalariga hamohang ilmiy tadqiqotlar yaratish vazifasini yuklaydi. Olimlarimizning ilmiy salohiyati, innovatsion g'oyalarini jahonda targ'ib qilish va qo'llab-quvvatlash maqsadida xalqaro nufuzga ega ushbu jurnal ta'sis etildi.

"Alisher Navoiy" deb nomlangan ushbu jurnalda navoiyshunoslik, Navoiy adabiy merosining umumjahon tamaddunida tutgan o'rnini va adabiy ta'sir masalalari bilan shug'ullanayotgan tadqiqotchilarni o'z maqolalari bilan ishtirok etishga taklif qilamiz.

TAHRIRIYAT**УВАЖАЕМЫЙ ЧИТАТЕЛЬ!**

В Постановлении №ПП-4865 Президента Республики Узбекистан Шавката Миромоновича Мирзиёева "О широком праздновании 580-летия со дня рождения великого поэта и мыслителя Алишера Навои" особо отмечается "огромное значение произведений Алишера Навои, в которых нашли глубокое отражение национальные и общечеловеческие ценности, в развитии мировой культуры, их роль в повышении интеллектуального потенциала и духовно-нравственном воспитании молодого поколения, а также в целях обеспечения дальнейшего изучения и популяризации литературно-научного наследия великого поэта и мыслителя..."

Это ставит задачи перед филологами, навоиоведами, исследователями литературного влияния, сравнительного литературоведения, текстологии и вопросов перевода создания научных исследований, соответствующих передовым мировым технологиям и теоретическим идеям. В целях пропаганды и продвижения научного потенциала и инновационных идей наших ученых учреждён данный международный журнал.

Приглашаем публиковать свои статьи в нашем журнале "Алишер Навои" отечественных и зарубежных исследователей, занимающихся изучением жизни и творчества литературы Навои, его роли в мировой литературе, проблемами литературного влияния и сравнительной поэтикой.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИИ**DEAR READER!**

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Miromonovich Mirziyoyev "On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi" No PP-4865 given the invaluable role of cultivating high moral qualities in their hearts, as well as the need to further study and widely promote the literary and scientific heritage of the great poet and thinker in our country and internationally "

This puts the task of researchers in the field of philology and Navoi studies, in particular, literary influence, comparative literature, textual studies and translation, in creating scientific research in harmony with the world's advanced technologies and theoretical ideas. This internationally renowned journal was established to promote and support the scientific potential and innovative ideas of our scientists around the world.

In this magazine, called "Alisher Navoi", we invite researchers who are interested in Navoi studies, the role of Navoi's literary heritage in world civilization and literary influence to participate with their articles.

EDITORIAL



ASLIYAT UMMONI

НАВОИЙ ВА АТТОР¹ (III қисм)

Е.Э.БЕРТЕЛЬС

*Навоий ижоди музей кўргазмаси ҳам, тарихнинг
парчаси ҳам эмас. У яшамоқда ва яшайверади.
Биз уни ўрганаямиз, аммо жуда кам ўрганаямиз.
Ўзининг улуг фарзанди хотирасини кўз қорачигидай
асраб-авайлаш ва унинг асарларини тинмай ўқиш
ва ўрганиш ўзбек халқининг шон-шараф ишидир.
Е.Э.Бертельс*

For citation: Bertels E.E. NAVAI AND ATTAR. Alisher Navoi. 2022, vol. 1, issue 3, (83-94) pp.

DOI 10.5281/zenodo.5804661

Аннотация

Собиқ иттифоқ ФАнинг мухбир аъзоси, ф.ф.д., профессор Е.Э.Бертельснинг “Навоий ва Аттор” рисоласи сўз мулкининг султони, ҳазрат бобокалон шоиримиз Низомиддин мир Алишер Навоийни рус ва ғарб адабиётида кенг тарқалган “таржимон, тақлидчи”, “асл шоир эмас”, форс мумтоз адабиётига тақлидчи сифатида баҳолаганлиги асоссиз эканлигини, шарқшунослар туркий адабиётлар таҳлилида ғарб бадий асарларини баҳолашда қўлланилган ўлчовлардан фойдаланганликларини асослаш учун ёзилган.

“Навоий ва Аттор” 3 қисмдан иборат. Унинг 1-қисмида туркий адабиётнинг форс адабиётига боғлиқлиги нисбий характерда, шу далилга асосланиб, уни норасо адабиёт дейиш мутлақо нотўғри эканлиги, 2-қисмида Алишер Навоийнинг куш тили ҳақида дoston яратишдан мақсади, нимага интилгани ва унинг ўз салафига муносабати қандай бўлгани ёритиб берилган. 3-қисмда Фаридуддин Атторминг “Мантиқ ут-тайр” ва Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonлари сўзма-сўз, сатрма-сатр, бандма-банд қиёслаб ўрганилган ва пировард натижада А.Навоийнинг бетимсол шоир, мутафаккир, буюк сиймо бўлгани асослаб берилган. Е.Э.Бертельснинг мазкур асари кейинчалик илмий навоийшунослик учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Калит сўзлар: Фаридуддин Аттор, Алишер Навоий, “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр”, Е.Э.Бертельс, “Навоий ва Аттор”, туркий адабиёт, форсий адабиёт, дoston, ҳикоят, муножот, Семруғ, Ҳудҳуд.

НАВАИ И АТТАР (3-часть)

Е.Э.БЕРТЕЛЬС

Аннотация

Член корреспондент академии наук СССР, д.ф.н., проф. Е.Э. Бертельс в своей монографии

¹ Е.Э.Бертельснинг «Навои и Аттор» рисоласини 2005 йилда проф.Иброҳим Ҳаққуловнинг сўзбошиси билан чоп этган эдик. Кам миқдорда чоп этилган бу асар тезда тарқалиб кетди ва ҳозирга келиб, ноёб библиографик нашрга айланди. Шунинг учун биз уни ушбу журналимизга қайта босишга ва бу билан кўп сонли ўқирманларнинг талаб ва илтимосларини ҳам қондиришга ҳаракат қилдик. “Навоий ва Аттор” ҳажман журнал мақоласи ҳажмидан катта бўлгани учун уни 3 қисмга бўлиб чоп этишни лозим топдик. – Таржимон.



«Наваи и Аттар» обосновал многими теоретическими и фактическими материалами оригинальность поэтического творчества Алишера Наваи, так как, в то время, когда была написана данная монография в западно-европейской литературе его считали не поэтом, а переводчиком- подражателем персидско-классической литературе.

«Наваи и Аттар» состоит из трёх частей. В первой части обосновывается относительность связи тюркской литературы с персидской и ошибочность широко распространённого мнения относительно неполноценности тюркской литературы. Во второй части определяются цель и задачи написания поэмы «Язык птиц» Алишера Наваи и описано его отношение к своему предшественнику, персидскому поэту Фаридуddину Аттару. В третьей части сравнивается построчно поэмы Ф. Аттара «Мантик ут - тайр» и А. Наваи «Лисон ут- тайр». В заключение доказывается что, Алишер Наваи был оригинальным и непревзойдённым поэтом восточной литературы.

Ключевые слова: академия наук, литература, тюркская литература, персидская литература, западно-европейская литература, поэт, переводчик, подражатель, востоковед, научное наваиведение, монография, цель воссоздания поэмы.

NAVAI AND ATTAR (part 3)

E.E.BERTELS

ANNOTATION

Corresponding member of the USSR Academy of Sciences, Doctor of Science, prof. E.E.Bertels substantiated with many theoretical and factual materials the originality of Alisher Navai's poetry in his monograph "Navai and Attar", since when this monograph was written, Alisher Navai was considered not a poet, but a translator-imitator of the Persian-classical literature in Western European literature.

"Navai and Attar" consists of three parts. The first part substantiates the relativity of the connection between the Turkic literature and the Persian and the fallacy of the widespread opinion regarding the inferiority of the Turkic literature. The second part defines the purpose and tasks of writing the poem "The Language of Birds" by Alisher Navai and describes his attitude to his predecessor, the Persian poet Fariduddin Attar. The third part belongs to line by line comparison of the poems by F. Attar "Mantik ut - tayr" and A. Navai "Lison ut - tayr". Conclusion proves that Alisher Navai was an original and unsurpassed poet of oriental literature.

Key words: academy of sciences, literature, Turkic literature, Persian literature, Western European literature, poet, translator, imitator, orientalist, scientific study of Navai, monograph, the purpose of recreating the poem.

Тўққизинчи савол (96-98-боблар) – муҳаббат бу кушнинг кўл-оёғини боғлаб кўйган, шунинг учун у маҳбубидан узоқ кетолмайди. Худхуд бу муҳаббатнинг фақат ташқи шаклга қаратилганини, ёлғончи дунёда ҳақиқий севгининг йўқлигини тушунтиради. Манбасини аниқлай олмаганим куйидаги жуда ғаройиб ҳикоятда ҳам бу ўз тасдиғини топади. Арастунинг бир шогирди бўлиб, уни македониялик Искандарга жўра қилмоқчи эди. Бироқ йигитча гўзал бир қизга ошиқу беқарор бўлиб қолади ва нима бўлса ҳам унга уйланмоқчи бўлади. Шунда Арасту қалтис бир воситани кўллайди – ўша қизга захар беради ва уни даволашга киришади. Йигитча тунни Искандар билан ўтказиш учун кетади, Арасту эса шу вақтда бемор қизга зўрлаб сурги дори ичиради ва хизматкорларига ундан тушган нарсани эҳтиёткорлик билан сақлашни тайинлади. Йигит қайтиб келгач, маҳбубасини бутун латофатини йўқотиб, жуда хунуклашган ҳолда кўради ва қизнинг ўша маҳбубаси эканлигини ишонгиси келмайди. Шунда Арасту қизнинг ичидан тушган нажосатлар солинган идишни келтиришни буюради. Шогирдига мана бу уни гўзал қилган нарса, униси сен унда севган нарса, дейди.

Ҳикоятнинг тугуни, маълум даражада, Жалолиддин Румийнинг *Маснавий*нинг биринчи ҳикоятини эслатади, бироқ Навоий мавзунини батамом бошқача талқин қилган.

Ўнинчи савол (99-101-боблар). Савол билан мурожаат этувчи куш ўлимдан қўрқади.



Худхуд ҳаётнинг бебаҳолиги, ўлим соатининг олдиндан белгилаб қўйилганлиги ва ундан ҳеч кимнинг қутила олмаслигини айтади. Аттор ушбу ўринда Қакнус ҳақидаги машхур ҳикоятни келтирган. Навоий эса Сулаймон ҳақида ривоятни (101-боб) сўзлаб беради. Унинг олдида Азроил келиб, тахт ёнида турган тўранинг тез орада жонини олиш вазифаси ўзига юклатилганини айтади. Азроилни ҳайратга солган нарса бу ишни шу ернинг ўзида эмас, балки Ҳиндистонда қилиш кераклиги бўлади. Кўп ўтмай, ўша тўра Сулаймонга мурожаат қилиб, ўзини қандайдир нохуш нарсалар қийнаётганини, шу боис сафарга жўнатишини сўрайди. У Ҳиндистонга жўнаб кетади ва Азроил ўзига юклатилган топшириқни ўша ерда бажаради.

Ўн биринчи савол (102-104-боблар) – у (қуш) доимо қайғу ва ғамдан азоб чекади. Худхуд бу дунёнинг ғами ва қувончи ўткинчи эканлиги, бинобарин, уларга эътибор қилмаслик лозимлигини таъкидлайди ва Мисрда ўтган бир бой ҳақидаги ҳикоятни сўзлаб беради: унда истаган нарса мухайё, аммо ношуқурчилик қилиб, доимо қайғуга ботиб юради. Бунинг сабабларини сўрашганда, унинг учун «ягона дўст» Худосиз дунё зиндондир, дейди.

Ўн иккинчи савол (105-107-боблар) – унда (савол билан мурожаат этаётган қушда) ирода йўқ, шу боис ҳамиша ўзгаларнинг буйруғларига бўйсунди. Худхуд уни қўллаб-қувватлайди ва амрга бўйсундиш – юсак фазилатдир, дейди. Барча фалокатлар, Одамга сажда қилишдан бош тортган Шайтон ҳақидаги ҳикоятда кўрганимиздек (110-боб), итоатсизликдан келиб чиқади.

Ўн учинчи савол (108-110-боблар) – «йўл»га тушган киши қандай қилиб соф ва самимий (*поқбоз*) бўлиши мумкинлиги ҳақида. Худхуд покликка эришиш учун бу дунёдаги барча нарсадан воз кечиш лозим деб ҳисоблайди. Мисол қилиб Иброҳим Адҳамни келтиради ва унинг тасаввуф шайхлари таржимаи ҳолларининг аксарият тўпламлари учун характерли бўлган тахтдан воз кечиши ҳақидаги ривоятни сўзлаб беради¹ ҳамда шундай характерли сахнани ўзидан қўшади. Иброҳим Балхдан қочгандан кейин, Нишопур яқинидаги тоғларни макон қилади. У ерда бир куни бир неча *қутб* уни синовдан ўтказиш учун келади. Ундан кимсан, деб сўрайдилар. У жавоб қилади: «Балхлик бир киши». *Қутблар* у ҳали етишмабди, чунки Балх унинг хотирасидан чиқмабди, деган қарорга келдилар².

Ўн тўртинчи савол (111-113-боблар) «йўл»да *ҳимматнинг* қандай аҳамияти борлиги ҳақида. Худхуд ҳимматни муваффақиятга тезроқ эришишнинг ишончли усулларида бири ҳисоблайди ва сўзларининг исботи учун машхур форс шоири, шайх Аҳмад Жомий ҳаётидан олинган лавҳани (113-боб) айтиб беради. У ўзига ўзи қиёмат кунида Худодан барча гуноҳларимдан ўтишини, дўзахдан озод этишини ёки дўзахда жой қолмаслиги учун ўзининг танасини жуда баҳайбат даражага келтириб, жаҳаннамга ташлашини сўрайман, деб юрарди. Ушбу ривоятнинг буддавийлик характерида эканлигини қайд этиш лозим.

Ўн бешинчи савол (114-116-боблар) «йўл»да диёнат қандай фойда келтириши ҳақида. Худхуд инсоф ҳалокатдан сақланиш ва барча таълимотларнинг энг муҳим пойдевор тошидир, дея жавоб қайтаради. Диёнат намунаси сифатида у машхур хожа Муҳаммад Парсонни келтиради. Бир куни у муриди Бу Наср билан ҳаж амалларини бажараётган экан. Шунда у билан бирга бўлган зиёратчилар ҳажлари қабул бўлиши учун ундан дуо қилишни сўрабдилар, бироқ хожа шогирдининг дуо қилишини афзал кўрибди, чунки унинг дуоси тезроқ мустажаб бўлар экан.

Ўн олтинчи савол (117-119-бетлар) Семурғга нисбатан қўполлик қилиш/қилмаслиги ҳақида. Худхуд бу фақат унинг улуғ сирларидан воқиф ва унга яқин кишиларгагина мумкинлигини айтади. Далил сифатида қуйидаги ривоятни (119-боб) келтиради. Бу ривоят фавқулудда гўзал бўлганлиги учун тўлиқ келтираман.

1 Қаранг: Тазкират ал-авлиё. Никольсон нашри, I, 87.

2 Бу ҳикоятни ўзимга маълум бўлган таржимаи ҳол тўпламларидан тополмадим.



بار ایدی دیوانه* عالیصفات * خلق مجنون الحق آیتیپ آنی آت
 چونکه حق یادی آنکا محبوب ایدی * تون و کون بو یادیلا مغلوب ایدی
 سوز دیسا حق غا قیلور ایردی خطاب * حق تیلیدین اوق ییورور ایردی جواب
 بیربهار آیامی عزم ایلاب سفر * اوزکا بیست اللهنی ایلاب مقرر
 چون ریاضتدین تنی ایردی نحیف * مینیش ایردی مرکبی اول هم ضعیف
 تون قارانغو ایردی* و توتتی یاغین * کوردی مجنون صعب اول یان بارماغین
 بیر بوزوغ کوردی و ساکن بولدی اول * دیدی ای تنکریم ایشاکدین واقف اول
 کسیردی مرکبنی قویوب ویرانه غا * اویقو غالب بولدی اول دیوانه غا
 یاتتی باش آستیغا قویوب بیرکیساک * اول بوزوغدین تاشقاری قالدی ایشاک
 کوزی بارغاج اویقوغا ابر بهار * تیزراک قیلدی یاغین غا آشکار
 توکتی ویران ایچرا هر یاندین سونی * تیلبه باشیدین چیقاردی اویقونی
 قویتی و اولتوردی تورغونچه یاغین * چون یاغین توردی ییلیب بارور چاغین
 چیقتی مرکبنی قیلورغه تیزتک * یوق ایدی ویرانه تاشیدا ایشاک
 قویدی یوز مجنون غه بیحد اضطراب * تنکریغه قیلدی غضب بیرلا خطاب
 کیم سنکا مرکبنی تاپشوردوم بو دم * یخشی اسرادیکن کرم قیلدینک کرم
 ایل سنینک مهمانلیغینک غا بارماسا * مرکبین وادی ساری باشقارماسا
 بولماغای ایردی بو بیروالیغینک * غفلت ایچرا محض استغنائیغینک
 تیسره توندا ناپدیدار ایلادینک * اسراماق دین مرکبیم عار ایلادینک
 کونکرانیم هریان اورار ایردی قدم * غایبین ایتارکا مجنون دژم
 چون چاقیلدی بیر عجب رخشنده برق * ایلادی عالمی انواریدا غرق
 مرکبین کوردی که اوتلایدور یوروب * خار و خسغه هر طرف آغیزین اوروب
 کورکاج آنی تیلبه بولدی شادمان * میندی داغی یولغا توشتی اول زمان
 تیندلیغ لارنی باشیدین تاشلادی * لطفلار بیرلا نوازش باشلادی
 کای مینک جسمیم آرا جانیم خدا * بلکه یوز جانیم سنکا بولسون فدا
 گرچه اول دم مرکبیم کا باقمادینک * غایب ایلاب بوینیغه ایب تا قما دینک
 منکا بوزلاندی عجب اشفته لیغ * قهر دین قیلدیم سنکا الفته لیغ
 چون ایشاکنی تاپشوروب ایردیم سنکا * آنی تاپشورماق کیراک ایردی منکا
 ایسراماق دا چونکه تقصیر ایلادینک * تند کورکاج میننی تدیر ایلادینک
 چاره ایلاب چاقماقینکنی چاقیبان * کوز یاروتور مشعلینکنی یاقیبان
 کوزومه آنی نمودار ایلادینک * در محل بو لطف اظهار ایلادینک
 تیندلیغ دا گرچه مین ایردیم محق * سین هم ایرمیش سین حریف بس مدق

474



كیم بو وقتدا ایلادینك ظاهر منكا * غایبیمنی ایلادینك حاضر منكا
 دیکانیمدین بیمدار ایتینك میننی * قیلغانیمدین شرمسار ایتینك میننی
 سین نیکیم قیلدینك اونوتدوم من تمام * سین هم اوتکاننی اونوت لطف ایلاعام
 مین اونوتدوم ایلابان ظاهر وفاق * سین داغی آنی ارنو تسانك یخشیراق
 مین سیننی دیب قیلماغوم دور چون خجل * سین میننی هم قیلمه آیتیب منفعل
 مین سیننی بو قصه دین توتتوم معاف * سین داغی کونکلونك مینیدین ایلا صاف
 اوزیننی هر دم ستایس لار قیلایب * حقنی هم مونداغ نوازشلار قیلایب
 تیلبه رازی گرچه نا معقول ایدی * چون محبت دین ایدی مقبول ایدی
 بولسه هر مجنون بو یاندیغ راز آنكا * هم یتار گستاخ لیغ هم ناز آنكا
 67 تنکریغه چون کیم بو ایل محبوب دور * هر نی محبوب ایلاسا مرغوب دور

Ўн еттинчи савол (120-122-боблар) ҳаммадан узоқлашган ва Семурғ ёди билан яшаётганларнинг нима қилмоқликлари ҳақида. Худхуд бундай муҳаббат – куруқ даъво, чунки унинг Семурғга эмас, балки Семурғнинг унга муҳаббати муҳимдир. Аксинча бўлиши мумкин эмас, деб жавоб қайтаради. Исбот учун шайх Боязид Бистомий ҳақида Аттор достонининг тегишли ўрнида келтирилган (2806 ва кейинги б.) ҳикоятни сўзлаб беради.

Ўн саккизинчи савол (123-125-боблар). Қушнинг ўзини камолотга эришган ҳисоблагани. Худхуд уни худбинликда ва кўрликда айблади ва Аттордан олинган (2894 ва кейинги б.) шайх Абу Бакр Нишопурий ҳақидаги ҳикматни гапириб беради.

Ўн тўққизинчи савол (126-128-боблар) «йўл»да ўзини нима билан овутиш ва қандай қилиб қайғуни ҳайдаш ҳақида. Худхуд Семурғ ёдидан қувониш, қолган барчасини ҳаёлдан чиқариб ташлаш лозим, дея жавоб қилади. Сўзининг исботи учун Абдулла Ансорийнинг қуйидаги ҳикматли гапини келтиради: Худонинг зикри билан лиммо-лим қалбнигина қалб дейиш мумкин.

Йигирманчи савол (132-194-боблар) Семурғ топилсада, ундан нимани сўраш лозимлиги ҳақида. Худхуд унинг ўзидан бошқа нарсани сўраш мумкин эмас, чунки унда ҳамма нарса мужассам дейди. Буни Абу Саид Харрозийнинг сўзлари ҳам тасдиқлайди. У, гарчи бошқалар билан бирга ибодат қилса-да, истаклари аллақачон сўнган, чунки нимани истаган бўлса, унга эришган, ҳатто, худони ҳам топган.

Йигирма биринчи савол (132-134-боблар) ўша ҳукмдорга қандай совға ҳадя қилиш ҳақида. Худхуд у ерда бўлмаган нарсани олиб боришни маслаҳат беради: унда қайғу ва виждон азобларидан бошқа ҳамма нарса бор. Худога эса аллақачон эришган. Бунга изоҳ сифатида Атторда йўқ жуда ғаройиб ҳикоят келтирилган. Бир қудратли шоҳ ҳусни бутун оламни ҳалок қилмасин, деб ўз ўғлини зиндонга ташлайди. Ота ўлади ва унинг тахтини ўғил эгаллайди. Бир куни у майдонда чавгон ўйнаётган эди. Ажиб ҳуснидан ақли шошган халқ унга эргашади ва кечаю кундуз унинг боғи атрофида йиғилади. Оломон тарқалишни истамаётгани учун навжувон шоҳ ҳар ким ўзи қилиши мумкин бўлган бирор нарса тайрлашни таклиф қилади. Агар тайёрланган нарса маъкул бўлса, у устага ўз дўстлигини ҳам ҳадя этади ва агар ёқмаса, уни қийноққа солади ва бошини чопиб ташлашни буюради. Шундан кейин шоҳ усти-бошини алмаштириб, шаҳар кезади ва ким нима қилаётганини кузатади. Ҳамма унда бор нарсани тайёрлайди. Ниҳоят, у зор-зор йиғлаётган ва кўз ёшлар тўкаётган бир ажнабийни кўриб қолади. Унда ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса қўлидан ҳам келмайди ва шунинг учун шоҳга фақат оҳ-воҳ ва аччиқ фиғоннигина тортиқ қилиши мумкин. Бундан тўлқинланган шоҳ унинг кулбасига киради, меҳрибонликлар кўрсатади ва кўксини қувончларга тўлдиради.

Форс адабиёти билан таниш бўлган ҳар қандай киши бу ҳикоятнинг форсий муаллифнинг айрим асарлари бўйлаб сочилган турли мавзулардан таркиб топганини дарров сезади. Унда соҳибжамол шахзода ҳам, чавгон ўйини ҳам, шоҳнинг тунги саргузаштлари ҳам бор. Улар биргаликда достоннинг энг нафис сатрларидан иборат жуда оригинал ва таъсирчан манзара



ҳосил қилади.

12. Семурғга олиб борадиган йўл қандай ва уни қандай босиб ўтиш керак¹, деган йигирма иккинчи савол билан дostonнинг кейинги қисми – «етти водий» яъни тасаввуфий камолот йўлидаги етти асосий босқичнинг машхур тавсифига ўтамиз. Бу қисм ҳам ўша схема асосида қурилган, фақат унда саволлар йўқ ва ҳар бир водийга иккидан парча бағишланган: 1) унинг номи ва тавсифи ҳамда 2) изоҳловчи ҳикоятча. Навоий бу ерда ҳам илгарги тамойилни сақлаб қолади – водийнинг тасвири форсий аслиятга жуда яқин ибораларда берилади. Ҳикоятнинг ўзи эса эркин танланади ва ижодий материал асосида қурилади. Бу қисм жуда қийин ҳисобланади, чунки ўта мураккаб руҳий ҳодисаларнинг гўзал тавсифини кичик бир ҳикоятчада бериш Аттordaги каби беш, олти ёки, ҳатто, етти ҳикоятда беришга қараганда анча қийин.

Йўлдаги биринчи водий талаб водийсидир². Унинг тасвири ҳар иккала муаллифда ҳам, масалан, биринчи мисра каби деярли сўзма-сўз мос келади:

چون فرود آئی بوادی طلب چون طلب وادی سیغہ قویسانک قدم
پشت آید هر زمانی صد تعب النینکا هر دم کلور یوزمینک الم

Ушбу водийни тавсифлаш учун³ <Навоий дostonида> шундай ҳикоят келтирилади. Бир шоҳнинг соҳибжамол ўғли бўлиб, ўша мамлакатда яшовчи барча одамлар унга интизор эканлар. Бир куни сайр пайтида оломон унга қийналган ҳолда боқади. Шаҳзода оломон ичидан икки кишини таниб қолибди ва уларни ёнига келтиришни буюрибди. Бирини зиндонга ташлашга амр қилибди, иккинчисига эса итларини боқишни топширибди. Улардан тушган ҳолатларингиздан розимисизлар, деб сўрабди. Иккаласи ҳам бундан яхши ҳолат ҳақида орзу ҳам қилмаганлари айтишибди. Газада туриб, бу жавобни эшитган шоҳзода софдилликлари учун уларни ўзига мулозим қилиб олибди.

Иккинчи водий ишқ водийсидир (138-139-боблар).⁴ Унинг моҳияти қуйидаги ҳикоят билан изоҳланади. Машхур грамматист ал-Асмoий йўлда кетаётди, дам олиш учун бир сой соҳилида ўсган дарахт тагида ўтиради. У «муҳаббат домига тушган кишига нима билан ёрдам бериш мумкин?» деб ёзилган тошни кўради. Сиёҳдонни чиқариб, ўша захотиёқ шундай сўзларни ёзади: «Эҳтироснинг бу гирдобиде тозаликка интил!» Иккинчи куни у яна шу жойга келади ва янги ёзувга кўзи тушади: «Агар у учрашишга муҳтож бўлса ва ўз муҳаббатини яшира олмаса, у ҳолда нима қилмоқ керак?» - «У ҳолда муҳаббат оташидан қутилиш учун ўлсин», - ёзиб қўяди ал-Асмoий. Бир неча кундан кейин у яна ўша жойга келади ва бошини тошга уриб ёрган жонсиз бир ошиқни кўради.

Бу ҳикоят моҳиятан қуйидаги машхур ҳадиснинг парафразасидир.⁵ Навоий уни қайси манбадан келтирганини аниқлай олмадим, бироқ унинг келиб чиқиши арабча эканлигига ҳам шубҳа йўқ. Бу ўз характериға кўра, ас-Саррожий, ал-Бикаий ва бошқа муаллифларнинг ҳикоятларига жуда ўхшаш, типик ишқий латифадир.

Учинчи водий – маърифат водийси (140-141-боблар).⁶ Эроннинг мутасаввуф шоирлари кўп марта қаламга олган кўрлар ва фил ҳақидаги машхур ҳикоят ёрдамида тавсифланади⁷.

Тўртинчи водий – истиғно водийси (142-143-боблар).⁸ Унинг мазмуни Навоийда шоҳмот ўйинини эслатади.

1 Аттoр. Мантoқ ат-тайр, 3202 ва кейинги бетлар.

2 Ўша ерда, 3252 ва кейинги бетлар.

3 Мен водий тавсифи баёнидан ўзимни тияман, уни бир неча сўз билан ифодалашнинг эса деярли иложи йўқ. Қолаверса, у билан Гарсен дў Тасси таржимасида осонгина танишиш мумкин.

4 Мантoқ ут-тайр, 3313 ва кейинги бетлар.

5 Қаранг: Суйутий. 2-т. 373-б. (Ойша сўзидан). Шу ҳадиснинг бошқа версияси (Ибн Аббос сўзидан) қуйидагича: (ўша ерда).

6 Қаранг: Мантoқ ут-тайр, 3456 ва кейинги бетлар.

7 Унинг энг қадимги версияси Санoийнинг Ҳадиқат ал-ҳақoийк асарида келтирилган (9-10-бетлар). Browne таржимаси ҳақида қаранг: literary history, vol. II, p. 319. Шундан кейинги версия Румийнинг Маснавийсида берилган. III китоб, 224-б.

8 Мантoқ ут-тайр, 3558 ва кейинги бетлар.



Ўйин бошланганда, шоҳмот тахтасида қатъий тартиб, тўлиқ қонуният ҳукм суради. Бироқ ўйин тугаганда, тахта кўтарилади ва натижада сипоҳлар аралашиб кетади, тартиб йўқолади, шоҳ пиёда билан ёнма-ён қолади.

Бешинчи водий – *тавҳид* водийси (144-145-боблар)¹. Унинг маъносини изоҳлаш учун шайх Абул Мансур ҳақидаги ҳикоят келтирилади. У тушида пайғамбарнинг меърожга чиққанини, ва қандай қилиб арши аълога етганини, нима истайсан деган саволга мушарраф бўлганини кузатади. Муҳаммад Худодан ўз умматларининг гуноҳкорларини кечиришни сўрайди, аммо ўзига ҳеч нарса сўрамайди. Шайх бунинг сабабини билолмай, узоқ вақт бошни қотиради. Ниҳоят, пайғамбар унинг тушига киради ва «мен» тушунчаси у ерда йўқ эди, дейди.

Олтинчи водий ҳайрат водийсидир (145-146-боблар)². Бунга мисол қилиб, Аттордан олинган ва аслиятга яқин баён қилинган малика ва ғулом ҳақидаги каттакон ҳикоят келтирилади (3792-3871-бетлар).

Ниҳоят, еттинчи водий *фақр ва фано* водийсидир³. Навоий бу ерда қатъий амал қилинган режани бузади ва энди бир эмас, балки тўрт ҳикоятни келтиради. Бу тушунарли, чунки тасаввуфий фаънони шарҳлаш осон иш эмас. 147-боб шайх Абул Аббос ал-қасаба ал-Омулийга бағишланган. Бир бетавфик киши *хонақоҳга* келади ва, таҳорат ушатмоқчи бўлиб ва сопол идишни синдириб қўяди. Унга бошқа идиш йўқ, деганларида юз-қўлини артиш учун шайхнинг соқолини талаб қилади. Жазавага тушган шайх шундай хитоб қилади: «Бу тўғри: қассобнинг ўғлиги сақол чикора!». Бундай тавозе келгиндини тавба қилишга мажбурлайди⁸⁰.

148-бобда шайх Нақшбанднинг ўзини ўзи камситиши ҳақидаги ҳикоят келтирилган. Шайх ўзини қоқ суяк итга ўхшатади (албатта, айрим жузъий четга чиқишлар билан) ва уни ўзидан афзал билади, чунки ит ўз соҳибига содик, у эса – сотқин. Йўлда итларнинг изларини кўриб, уларни ўпади.

149-бобда шамнинг нури қандайлигини аниқламоқчи бўлган парвоналар мажлиси ҳақидаги Атторнинг ҳикояти келтирилган (3958 ва кейинги бетлар).

150-бобда шайх Суфён Саурий ҳикматли сўзи берилган. У худога қандай етишиш мумкин деган саволга, йўл минглаб денгизлардан ўтади, улардан кейин икки оламни ҳам одамлари билан ямлаб ютувчи кит бор, дея жавоб қайтаради.

Кейин (151-153-боблар) Навоий Атторнинг ҳикоясига муҳим бир қўшимча киритади. Форсий дostonда йўлнинг охири йўқлиги (фано), бироқ тасаввуф назарияси фано деганда яна бир босқични тушунади. Бу – бақо – шахсий «мен»нинг йўқолиши, унинг самовий «Мен»га қўшилиб кетиши натижасида юзага келадиган абадий ҳаёт. Кейинги уч парча ана шу саволнинг ечимига бағишланган. Уларнинг охиригиси Лайлининг йўқлигида у билан гаплашган Мажнун ҳақидаги ривоятдир. Уни Лайли шу ерда, чунки у қалбимда яшайди, дея жавоб қилганликда айблайдилар.

Шундан кейин дostonнинг энг кульминацион нуқтасига – қушларнинг сўнгги манзилга етишганига дуч келамиз (154-боб). Атторда ушбу ўрин сўз ўйини асосида қурилган. Навоий бу ерда ночор, негаки, туркий тилда тегишли оҳангдош товушлар йўқлиги учун бу сўз ўйинини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди. Гарчи, аслини олганда, форсий дoston шу сўз ўйи ҳаққи ёзилган бўлса ҳам. Натижада Навоий маънони бериш билан чегараланади:

کیم قیلب سیمرغ اوتوز قوش هوس * اوزلارین کوردیلار اول سیمرغ و بس

Навоий, афтидан, бу ўриннинг маълум даражада қовушмагани сезган ва бадий камчиликни Атторда бўлмаган изоҳлар билан тўлдиришга ҳаракат қилган. У юқорида келтирилган мисрани шарҳлайди ва бу сир, яъни ҳадиснинг сири⁴ эканлигини қайд этиб, қизиқ бир байтни қўшимча қилади:

1 Ўша ерда, 3673 ва кейинги бетлар.

2 Ўша ерда, 3779 ва кейинги бетлар.

3 Ўша ерда, 3920 ва кейинги бетлар.

4 Қиёсланг: Жуковский. Раскрытие скрытого, стр.247. Бу ҳадис диний тўпламларда кам учрайди.



سین دا هم بالقوه اول موجود ایرور * فعل نحه کلسه روا مقصود ایرور

Бу мисра Атторминг достонида учрамайдиган фалсафий терминлари билан ҳам эътиборга молик ва мазкур терминлар суфизм томонидан файласуфлардан олинган. Улар ҳам, ўз навбатида, юнон файласуфлари асарларидан олганлар¹. Суфизмнинг дастлабки назариётчилари ишларида бу терминлар учрамайди ва тасаввуф адабиётида фақат XIII асрдан бошлаб кенг тарқалади. Уларнинг бу ерда пайдо бўлиши Навоийнинг поэтик тасаввуфий адабиёт билан чегараланмасдан, тегишли илмий манбалардан ҳам фойдаланганини кўрсатади.

Дарвоқе, Навоий ўша заҳотиёқ писанда қилишга шошилади ва Атторминг матнига жуда эркин муносабатда бўлганликда айбашларнинг олдини олади:

اوز باشيمدين سالماديم بونوع طرح * ايلاديم عطار اسراريني شرح

Шундан кейин олдинги фикрни қандай маънода тушуниш кераклигини изоҳловчи ҳикояча келади. Бир ошиқ йигит ўз маҳбубасини сарв дарахти ва шу кабиларга ўхшатиб мадҳ этади. У ғазабланиб, бундай қиёслашлар ножоиз, негаки, сарв дарахти юролмайди дейди. Ошиқ, гарчи у бу аниқ қиёслаш бўлмаса ҳам, унинг нияти жуда эзгу бўлганини айтади. Бунга яна Абдулла Ансорийнинг ҳикматли сўzlари қўшимча қилинган (156-боб): «Қуръонни юзаки ўқигандан кўра, Аллоҳни мадҳ этувчи ашулани айтган маъкул». Бу бўлим суфизм характеридаги дуо билан якунланади (157-боб).

158-159-бобларда – Навоий яна Атторма мурожат қилади ва уни эҳтиросли ибораларда тараннум этади. Уни аввал Анқо қушига ўхшатади, чунки у ҳам ягона, қиёси йўқ, кейин *Мантиқ ат-тайр*га тақлид қилишга ундаган сабабларни келтиради:

قوش تيلي بيرلا بيان ايلاب كلام * طوطي گويا ديك اولدى خاص و عام
فارسي آيين اولوس فهم اتيلار * بارچه مخفي دقتيغه يتي لار
غير خييل ساده اترك فقير * كيم آلاردا كم دور ادراك كشير

Бошқача айтганда, бу асарга Навоийни нафақат шахсий манфаат, шунингдек, уни форс тилини етарли даражада билмаган туркийлар орасида кенг ёйиш истаги ҳам тортади.

Кейин Қакнус ва унинг Атторма яқин ибораларда баён қилинган ўлимолди қўшиғи ҳақидаги ҳикоят келади:

Н

‘А

هست ققنس طرفه مرغی دلستان بار ایدی ققنوس دیکان بر طرفه طیر
موضع این مرغ در هندوستان هندو ملکیدا آنکا آرام و طیر

Бирок бу ҳикоятни баён қилишдан мақсад бутунлай бошқача – ширинзабон улуғ шоир Атторм Қакнусга ўхшатилади!

شیخ گویا کیلدى چون اولغی طیر * کیم نوا ایچرا قلیب عمریدا سیر

Қакнус ҳақидаги ривоятда феникс ҳақидаги асотири элементи бор – Қакнус ўзини ўтда куйдиради ва унинг қулидан янги Қакнус учиб чиқади. Навоий бундай қиёслаш билан ўзини Аттормнинг қулидан яралган ёш Қакнусга асло ўхшамокчи эмаслигини писанда қилишга шошилади:

1 Қиёсланг: Dieterici, p. 188, Алм. zu 2 20.



من ديمایکيم اول آتادور من اوغول * او شه عالی صفت من بنده قول

13. 160-бобда достоннинг Атторда йўқ охири қисми бошланади. Бу қатор тантанавор аккордлар бўлиб, Навоий «водийлар» ҳақидаги жўшқин ҳикояни шулар билан тугатади. Мазкур ҳикоя етти муножаатдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида тегишли «водий» терминологиясидан фойдаланилган. У ҳам олдинги қисмлар каби хушоҳанг қурилган ва ҳар бир бўлим икки бобга – дуо ҳамда у билан бирга келувчи ҳикоятга бўлинади.

Уларнинг мазмуни қуйидагича: 1) Биринчи водий дуоси (160-161-боблар) – шайх Боязид Бистомий ҳақидаги ҳикоят. Шайх Маккага кетаётганда, бир муриди унинг олдида келади. Орқага қайтаётганда ҳам у шайхнинг олдида келади ва Каъбани кўрганини, лекин унинг соҳиби йўқлигини айтади: Боязид хитоб қилади: «Соҳиб йўлда сен билан бирга эди!» 2) Ишк водийси (162-163-боблар) – Қайс ибн Амир ҳақидаги ҳикоят. Бир куни ундан исминг нима деб сўрадилар. У жавоб айлади: «Лайло!» яъни унинг «мен» батамом йўқолган. 3) маърифат водийси (164-165-боблар) – дарвеш шоҳнинг олдида келади. Шоҳ уни ўтиришга таклиф этади ва унга ҳозир истаган нарсани келтиради дейди. Дарвеш фақат худони истагини айтади, чунки унга барча нарсани худо беради, шоҳ эса унга ҳеч нарса беролмайди. 4) Истиғно водийси (166-167-боблар) – ўтли оташгоҳга ташланган Иброҳим ҳақидаги ҳикоят. Жаброил ундан бирор нарса керак эмасми, деб сўрайди. «Сен тарафдан бўлса, ҳеч нарса!» - дея жавоб беради. 5) Ҳайрат водийси (168-169-боблар) – азоб-уқубатда ўлаётган бир ошиқ худога илтижо қилиб, маъшуқасининг келишини, чунки унга, ҳеч бўлмаса, икки оғиз гапи борлигини айтади. Унинг истаги бажо келтирилади, аммо ошиқ ҳайратдан ҳеч нарса дея олмайди. У ўзига келганда, маъшуқаси кетган бўлади ва у маъшуқасига ҳеч нарса демай оламдан ўтади. 6) Тавҳид водийси (170-171-боблар) – султон Маҳмуд ва унинг маҳрами Аяз ҳақида. Маҳмуд унинг ётоқ жойида туриб, ҳуснини томоша қилади. У уялмайди, аммо ўзини ухлаганга олади. Буни сезган Маҳмуд ундан нега ғамза қиласан, деб сўрайди. Аязнинг жавоб беришича, ўша пайтда у бўлмаган. Унинг учун мавжуд нарса фақат Маҳмуд бўлган. Бу ҳикоят Аттор тегишли мавзусининг (3740 ва кейинги боблар) эркин парафразасидир. 7) Фано водийси (172-боб) – исми кўрсатилмаган бир шайхнинг дуоси баёни. Шайх ўзининг фоний эканлигини худонинг мавжудлиги каби мутлақ бўлишини сўрайди.

Достон шу ерда тугайди ва мавзуга тааллуқли бўлмаган яна беш парча келади. 173-бобда биз юқорида баён қилган *Лисон ут-тайр*нинг юзага келиш тарихи берилган. Унга изоҳ тарзида Ҳирот кўчаларидан бирида деворнинг қандай қулагани ҳақидаги ҳикояча илова қилинган (1740боб). Саросимага тушган халқ фалокат жойини ўраб олади, шу ерда турган дарвиш эса жазавага тушади. Бунинг сабаблари сўралганда, деворнинг кўча тарафга қийшайганини аллақачон кўрган эдим, деб жавоб беради. Модомики, жонсиз девор охири оқибат ниятига эришган экан, наҳотки, у, тирик мавжудот ўз орзусининг рўёбга чиққанини кўролмай ўлиб кетса!?

Навоий буни ўзига таскин сифатида келтиради ва қачон бўлмасин, орзулари рўёбга чиқишига умид боғлайди. Кейин биз юқорида тўлиқ кўрсатган таҳаллус ҳақидаги боб (175), султон Ҳусайн Абул Ғозийга бағишлов (176-боб) ва достоннинг ёзилган санаси –904 / 1498-99-келтирилган хулоса (179-боб) берилади.

Навоийнинг туғилган санасини ҳижрий 844 йил билан белгилайдилар. Биз юқорида *Лисон ут-тайр*ни ёзишга киришганда, унинг олтмиш ёшда эдим деган кўрсатмасини келтирган эдик. Агар шу кўрсатма тўғри бўлса, хулоса қилиш мумкинки, достон тез фурсатда ёзилган ва унга бир йилдан камроқ вақт сарфланган. Бу ишнинг бориши ҳақидаги ўзи қайд этган вақтга жуда тўғри келади. Агар у ҳақиқатан ҳам бир кечада 40-50 байтдан ёзган бўлса, иш, албатта, нисбатан жуда қисқа вақтда тугалланган бўлиши керак, фақат керакли барча материалларни у олдиндан тахлаб қўйган бўлса.

14. Биз Навоий достонини, унга намуна вазифасини ўтган форсий асарни назардан қочирмаган ҳолда, бутун тафсилотлари билан чуқур ўргандик. Бу таҳлил бизга қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

Кўрганимиздек, Навоийда оригинал асар яратиш мақсади бўлмаган. У ўз олдида аввал Аттор достонининг таржимасини бериш вазифасини қўйган, кейин таржима билан боғлиқ қийинчиликларни енгиб ўтишга кўзи етмагач, форсча аслиятга шарҳ вазифасини ўташи ло-



зим бўлган ҳикоя ёзишга қарор қилган. У қандайдир алоҳида хизматларни ўзлаштиришга асло мойил эмас ва муаллифликни сўзсиз Аттorda қолдиради ҳамда ўзига энг оддий вазифани олади. Камтарликда у шу даражага етадики, Аттorning бепоён уммонидан дур ўрнига фақат «пайраҳа» тердим дейди.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай вазифани ўз гарданига олган Навоий материални жойлаштиришнинг асосий режасини сақлаб қолиши ва фабула баёнида салафи томонидан чизилган чизикдан чиқмаслиги керак эди. Бироқ биз тафсилотлар баёнида Навоий жуда катта чекинишларга йўл қўйганлигини кўрдик. У Аттorning асосий йўналишларини сақлаган ҳолда, материални нисбатан изчил ва батартиб тақсимлайди, айрим қисмлар қурилишида бир хилликка ва белгиланган схемага («важ-карсон» қисми ва «саволлар» қисми параллелизми)га қатъий амал қилади. Бундан ташқари, фабула тўқимасига қатор янги мавзулар киритади. Бундан мақсад воқеани янада мантиқли баён қилиш ва асосий ўринларни психологик нуқтаи назардан тушунтириш эди. Натижада ҳикоя ўзининг замон ва маконга боғлиқ бўлмаган мавҳум характерини йўқотади, айтиш мумкин бўлса, моддий шаклга эга бўлди, нисбатан реал тус олди ва инсонпарварлик руҳини касб этди.

15. Тасаввуфий дostonда киритма ҳикоятчалар – бу каби поэтик асарларда Санойй давридaн қўллaниб келинaётгaн рaмзли ҳикоятлaр ғoят кaттa аҳaмийтгa эгa. Бу ҳикоятлaрнинг мaвжудлиги дostonнинг бутун қурилишини белгилaйди. Агaр Саноййдa улaр нисбaтaн кaм бўлсa вa дostonнинг умумий режасигa тaмoмилa бўйсундирилгaн бўлсa, Аттorda улaрнинг микдoри oртaди. Бинобaрин, айрим асарлaрдa бу ҳикоятлaр асосий эътиборни ўзигa тoртгaн ҳoлдa, фабулaни тaмoмилa ўзигa бўйсундиради. Бу ҳикоятлaрнинг мaвзуий мaтериaли бeҳaд бoй вa рaнг-бaрaнг, улaрнинг мaнбaлaри кaттa қийинчиликлaр билaн aниқлaнaди. Шу билaн биргa, бу ҳикоятлaрнинг, кўпинчa, ислом дунёқарaши билaн жуда кучсиз aлoқaдa экaнлигигa ҳaм кўзгa тaшлaнaди. Аттoр асарлaридa ёрқин ифoдaлaнгaн буддaвий ёки мaниҳий хaрaктердaгигa шундaй ҳикоятлaрнинг бутун бoшли кaтoри кўринaди.

Ундa эски эътиқoдлaр ислом ғaлaбaсидaн кейин ҳaм яширин шaклдa дaвoм eтaвeрaди, дeгaн тaхмингa кeлиш мумкин. Бу мaсaлa жуда мураккaб вa унгa чуқурлaшиш бу eрдa нoўрин. Фақaт қaйд eтишим мумкинки, фoрсий тaфaккyр тaрихигa учун бу улкaн мaтериaлни тўплaш вa муaйян тaртибгa кeлтириш жуда ҳaм мyҳим. Бундaн Навоий ҳикоятлaри биз учун кaм аҳaмийтлигe экaн дeгaн хулoсa чиқмaслигигe кeрaк, чyнки миллий хyсyсиятлaригa кaрaмaсдaн, унинг ижoдигe мyсyлмoн Шaрқининг бутун aдaбиётигe кaби тaмoмaн бир хил асoсгa қурилaди. Шу сaбaбли мeн улaрнинг мaзмyнини мyхтaсaр тaрздa бaён қилмoқчиликни лoзим тoпдим. Ҳикоятлaрнинг дoston умумий қурилишидaгигe рoлини бaён қилишгa ўтaр экaнмaн, куйидaгилaрни қaйд eтиш мумкин. Навоий «Қyш тили»гa 63 тa ҳикоятни киритгaн (умумий сoни Аттoрникигa қaрaгaндa жуда кaм). Улaрнинг фақaт 12 тaсигинa фoрсчa дostonнинг тeгишли ҳикоятлaри бaёнидир, қoлгaн 51 тaсигe янгилик. Бинобaрин, ҳикоятлaр умумий сoнининг 81% ни Навоийнинг oригинaл ижoдигe мaхсyли сaнaш лoзим вa айтиш мумкинки, тaфсилoтлaр (дeтaллaр) бaёнидa фoрсий вa туркий дostonлaрдa умумий нyктaлaр жуда кaм.

Навоий ҳикоятлaри учун мaвзулaр мaнбaлaри юқoридa қaйд eтилгaн эди. Бaрчa aйтилгaнлaрни умумлaштириб, хулoсa қилиб айтиш мумкинки, Навоий жуда рaнг-бaрaнг мaтериaлдaн фойдaлaнгaн: Қyрьoн ривoятлaри, ҳaдислaр, шaйхлaр ҳaётигe ҳaқиdагигe киссaлaр, aрaб ишқий бeллeтристикaсигe, фoрс поэзиясигe – булaрнинг бaри, aфтидaн, унгa жуда яхши тaниш бўлгaн. Бироқ aдaбий aнъaнaлaргa асoлaнгaн ҳикоятлaрдaн тaшқaри, биз ундa Навоийнинг бoй тaжрибaгa эгa ҳaётигe лaвҳaлaригa бoриб тaқaлyвчигe қaтoр eпизoдлaрни ҳaм кўрaмиз. Бу гyрyхгa 26, 32, 35, 38, 41, 44, 47, 50, 53, 56, 59 вa 95- бoблaрни киритиш мумкин. Бу ҳикоятлaрдa муaйян *pointe* йўқ, улaр аксарият ҳoлaтлaрдa бўлгaнидeк, лaтифa шaклигa сoлинмaгaн, бироқ улaрдa бeвoситa жoнли кyзaтиш – бу кyндaликдaн пaрчaлaр, унинг мaъмyрий фaолият билaн бoғлиқ ҳoлдa кyзaтилгaн вoқeaлaр кўзгa тaшлaнaди. Мaзкyр ҳикоятчaлaр Навоий ижoдини дoнo вa кyв нaсихaтгўй Сaъдий ижoдигe яқинлaштирaди. Улaр oрaсидaгигe ягoнa фaрқ шyки, Сaъдийнинг oмилкoрлигигe, унинг шaрoитгa қaрaб мoслaшa oлишини бу eрдa кўрмaймиз. Навоийдa унинг бўлиши ҳaм мумкин эмaсдигe, чyнки кyдрaтли, yмрини тўкин-сoчинликдa, тaшвишсиз ўткaзгaн кyдрaтли вaзир уй-жойсиз вa дaрбaдaр Сaъдийнинг ҳaётини нeчa бoр сaқлaб қoлгaн нaйрaнг вa кyв сaфсaтaлaргa мyхтoжлик сeзмaгaн.

Навоий хотиржaм кyзaтaди, унгa Шaрқининг сoддa oдaмлaрини Ҳирoт кўчaлaридa aлдaшгa шaйлaнгaн хинд тoвлaмaчигe сaргyзaштлaри ҳaм (26-бoб), oмaдсиз бoғбoннинг фoжигeли



ўлими ҳам (32-боб), (унинг ноёб товуслар авайлаб-асралган боғида содир этилмаганмикан?) бирдек мароқли. У бой сарой амалдорлари ҳаётини масҳара қилганлар ҳақида сўзлайди, денгиз қаъридан дур терувчи сузувчининг оғир қисматидан зорланади (56-боб), қулаган девор атрофида тўпланган ғалати оломон манзарасини чизади (95-боб). У буларнинг барчасидан ўзининг дунёқарашини мустаҳкамловчи хулосалар чиқаради. Бу хулосалар, эҳтимол, ҳамиша ҳам бекаму кўст эмасдир, бироқ турмуш манзаралари ўз қийматини йўқотмаган.

Бу ҳикоятларнинг Навоийни Аттордан ажратиб турадиган бошқа бир хусусияти унинг юқорида келтирилган дарвиш (банги) ва жинни девона ҳақидаги ҳикоятларда ўз аксини топган соғлом ва нозик мутоибасидир. Бу икки қаҳрамонга Навоийнинг ҳамдард эмаслигига шубҳа йўқ. Биринчи ҳолатда у, ҳатто, юз-тубан кетган бангини ҳам қоралайди. Бироқ бу қоралаш мутоиба билан чатишиб кетган, қўполликдан асар ҳам йўқ. Мулоим илжайиш нуроний мўйсафид юзини ёритади. Шундай дақиқаларда у тошқин ва оташин асл мақсад йўлида барча нарсани оёқости қилишга, парчалаб ташлашга тайёр, бу дунёга – «борлиқ ва фано макони»га – ашаддий нафрат билан қарайдиган Аттордан нақар ўзгача.

Бинобарин, Навоий достонини таржима дейишга, албатта, тил бормайди. Таржимон шахсияти биринчи ўринга чиқади ва форс шоири шахсини тўсиб қўяди. Навоийнинг ишига қараб, Атторнинг достони ҳақида ҳукм чиқариш асло мумкин эмас. Унинг асарлари орасида эса моҳиятан *Лисонут-тайр* га, ҳатто, яқинлаштириш мумкин бўлган бирорта асарини топиш қийин бўлса керак. Муҳит, давр – буларнинг барчаси Навоий достонига ўз таъсирини кўрсатади, камтарлик билан таржимон ролини орзу қилган муаллифнинг дастлабки режаларини чилпарчин қилади ва ундан мутлақо оригинал асар яратади. Агар бу нарсаларнинг ўзаро муносабатини бир неча сўз билан ифодалашга ҳаракат қилинадиган бўлса, айтиш мумкинки, Навоийнинг *Лисон ут-тайри* «Атторнинг достони ҳақидаги достон»дир. Аттор Навоий қалбига болалик пайтларидаёқ кучли таъсир кўрсатган, шу боис у бутун умри давомида Аттор кўтариб чиққан мавзуга мудом қайтиб тугади ва пировард натижада унинг асарига ўз муносабатини билдиради, бизни улуғ салафининг асари қалбида қандай шакллар касб этганлиги билан ошно қилади.

Шу билан бирга, Атторнинг овози сусайганлигини ҳам инкор қилмаслик керак. Навоийнинг асари рационал (ақлга мувофиқ)роқ, моддийроқ. Атторнинг асарларига шиддатли парвоз бағишлаган салмоқсизлик ва ҳавойилик Навоийда ўз ўрнини мантиққа бўшатиб берган, Атторда жуда кам сезилган дидактик руҳ пайдо бўлган. Бу икки шоирнинг шахсияти бири-бирдан кескин фарқ қилади, шу боис уларнинг бир мавзу устида олиб борган изланишлари ҳар хил натижалар берганлигига ҳайратланмаса ҳам бўлади. Солиштиришни чексиз давом эттириш мумкин, бироқ бу сўнгги хулосаларимизга таъсири йўқ. Инчунун, мен шу ерда узок чўзилган тадқиқотимизни тугатиш мантиқлироқ деб ўйлайман ва яқунловчи қисмга – Навоийнинг суфизмга муносабати масаласи талқинига ўтаман.

16. *Лисон ут-тайр* таҳлили Навоийнинг, шубҳасиз, суфизм таълимоти билан жуда яхши таниш бўлганлигини кўрсатди. Атторнинг сюжетида янгидан-янги ҳикоятларнинг қўшилиши, бир мавзунинг бошқаси билан алмаштирилиши суфизм билан жиддий таниш бўлмасдан ва форс шоири ўз олдига қўйган вазифаларни чуқур англамасдан амалга оширилмаган бўларди. Унинг режасини бажариш учун суфийларнинг бадиий асарлари устида ишлашнинг ўзи етарли бўлмаган. Шунингдек, ўша даврда жуда кўп микдорда бўлган назарий ишларини ўрганиш лозим бўлган. Навоийнинг бундай ишлардан фойдаланганлига шубҳа йўқ. Буни юқорида келтирилган фалсафий терминлар ҳам тасдиқлайди. Унинг айнан қандай ўқиганини аниқлашнинг иложи ҳам бўлмаса керак, чунки бу достонда улар ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган. Унинг бошқа асарларини⁸⁴ тадқиқот доирасига тортиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Бироқ Навоийни сўзнинг ҳақиқий маъносидаги суфий деб аташ қийин кўринади. У, албатта, дарвиш шайх бўлмаган. Бунинг учун ҳаётдан батамом юз ўгириш, узоклашиш лозим бўларди. Навоийнинг таржима ҳолида бу фикрни тасдиқловчи далиллар ҳам йўқ, чунки у давлат ҳаётида фаол иштирок этишда ва саройда жуда катта роль ўйнашда давом этган.

Навоийнинг суфизмга иштиёқини ўзига хос қизиқувчанлик сифатида қабул қилиш мумкин

1 84 Асосан, лирикасини. Чунки у бизни қизиқтирган масала бўйича, айниқса, бой материал берса керак.



эди. Форс маданияти мамлакатларида суфизм билан шуғалланган жуда кенг тарқалди ва хукмрон синфларни ҳам майда хунармандлар табақаси каби жиддий қамраб олди. Маълумки, бу таълимотнинг амалдаги арбоблари айнан хунармандлар ичидан чиққанлар. Бироқ суфизм билан қизиқиш мумкин бўлгани ҳолда, уни амалда қўллаши шарт бўлмаган суфий ҳам, мутасаввуф ҳам бўлиш мумкин эди. Суфизм мустақил фикрлашга қодир кишиларни ўз домига тортган, эро бунга метафизик изланишлар кенг имкониятлар берган. Бунга эга якин Шарқда доимо катта мойиллик сезилган. Ҳақиқий *муслим* бўлган ҳолда фалсафий назариялар яратишнинг доимо ҳам иложи бўлавермаган, лекин суфизм терминологияси никоби остида ислом доирасида *de jure* қолиш, аслида эса унинг чегараларидан чиқиш мумкин бўлган мусулмон оламининг энг йирик арбоблари у ёки бу даражада унинг таъсирига тушиб қолганликлари ҳайратланарли эмас.

Навоийда пессимистик дунёқарашга нисбатан табиий мойиллик бор эди. Бунга ижодий суфизмнинг йирик вакили Жомий билан яқинлик ҳам қўшилди. Биз Навоийнинг деярли бутун умрини Ҳирот ташқарисидagi кулбада тарки дунё қилиб яшаган бу шоирни чуқур ҳурмат қилганини биламиз. Вазият ҳам уни бу томонга етаклайди. Бироқ шунга қарамай, Навоий охиригача бу йўлдан бормади. У суфизмнинг маънавий асосини қабул қилди ва унинг сўнгги мақсадларини ўзига идеал қилиб қўйди, аммо тақдир уни итқитиб ташлаган муҳит билан алоқасини узмади. У суфизмнинг завқ-шавққа тўлган муҳиби, қалбан суфий, шу таълимотнинг билимдони эди, лекин ҳеч қачон амалиётчи суфий бўлган эмас. Аттормнинг кескин хулосалари, эҳтимол, уни бирмунча қўрқитгандир. Навоийнинг уларни юмшатишга ва ўз достонида мўътадиллаштиришга интиланлиги шундан далолат беради.

Навоийнинг, афтидан, ўзини ўраб олган муҳитдан сиқилган (тяготиться) онлари ҳам бўлган, елкасига тушган вазифалар юкини теран ҳис этган.

Шундай дақиқаларда биз *Лисон ут-тайр*нинг якунловчи бобларида кўрган мисралар битилгандир. У суфийнинг сўнгги мақсадга эришишини орзу қилган, фаъно – индивидуал мавжудликнинг тўхташи – унга ваъда қилган хотиржамлик ва ҳаловат. Бу орзулар Аттормнинг етти водийсига мос жўшқин ва самимий етти *муножом*да ўз ифодасини топган. У бу мақсаднинг амалга ошиши душвор эканлигини англаган, чунки уни ўраб олган муҳит бу йўналишда шахдам қадамлар босишга имкон бермаган. Бироқ ният бўлган. Шунинг учун яраштирувчи оҳанг ёрдамида ўзига қулаган девор ҳақидаги ҳикоят билан таскин берган. Зеро ҳадисда «олдимга мақсадлар билан эмас, балки амалларингиз билан келинглар» дейилган¹⁸⁵.

Навоий сўзнинг техник маъносидаги суфий бўлмаган, бироқ у бу тушунчадан анча юқорида турган. *Лисон ут-тайр*ни ўрганиш Навоийнинг берилган материалдан оригинал асар яратишга қодир улкан санъаткор, йирик сўз устасини бўлганлигини кўрсатади. Бироқ шу бадиий истеъдод билан бирга, биз Навоий сиймосида ўта билимдон, қизиқишлари ранг-баранг, улкан ҳаётий тажрибага эга ва биз учун яна азизроғи – катта қалб соҳиби, кишиларга нисбатан муҳаббати лиммо-лим тошган ва шу муҳаббат ҳаққи уларнинг камчиликларини унутишга ва кечиритишга қодир кишини ҳам кўрамыз.

Бизни ўзларига таъзим қилишга мажбур қиладиган санъатлар бор. Бироқ баъзан инсон ҳам санъаткорга шайдо бўлади ва ўзини унга қалқон қилади ва унинг истеъдоди олдида таъзим қилишдан ташқари, ўзига инсон сифатида муҳаббатни ҳам талаб қилади. Мир Алишер Навоий шундай инсон бўлган.

Рус тилидан проф. И.Мирзаев таржимаси

1 85 Ибн Таймийя. II том. 342-бет.



ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALINING AXBOROT XATI

Alisher Navoiy xalqaro jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiyasi komissiyasi tomonidan filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalar chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan. Shuningdek, Amerika qo'shma shtatlarining Crossref.org tizimiga ham kiritiladi hamda har bir maqolaga doi raqami beriladi. Jurnalda quyidagi ruknlar bo'yicha maqolalar chop etiladi:

- **NAVOIY VA JAHON ADABIYOTI**
- **NAVOIY VA TILSHUNOSLIK MASALALARI**
- **TEMURIYLAR DAVRI TURKIY VA O'ZBEK ADABIYOTI**
- **BAHOSIZ BITIKLAR** (Navoiy asarlarining qo'lyozmalari, Navoiy merosi va matnshunoslik masalalari uchun).
- **ASLIYAT UMMONI** (asosan, ingliz, fransuz, nemis, rus, xitoy, yapon, koreys, hind tillariga).
- **NAVOIY NASRI VA NAZMI NAFOSATI** (Navoiy nasri va nazmiga doir tadqiqotlar uchun).
- **ILM, OLAM VA OLIM** (Navoiy ilmiy merosi va turli ilmlarga doir qarashlari uchun).
- **HAQIQAT SARI SAFAR** (Navoiyning falsafiy qarashlari).
- **MA'RIFAT YOG'DUSI** (Navoiy va islom ma'rifati, Navoiyning diniy-ma'rifiy qarashlari, Navoiy va tasavvuf).
- **NAVOIY POETIKASI** (Fasohat, balog'at, badiiyat, aruz va qofiya bilan bog'liq masalalar).
- **TURKIY MUMTOZ ADABIYOT TADQIQI VA UNING BOSHQA ADABIYOTLAR BILAN QIYOSI**
- **NAVOIY VA ADABIY TA'SIR MASALALARI**
- **NAVOIY VA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI**

MAQOLALARGA QO'YILADIGAN TALABLAR:

- maqola 10-15 sahifa hajmida taqdim etiladi;
- maqolalar **o'zbek, turk, tojik, rus, ingliz, fransuz** tillarida qabul qilinadi;
- Maqolaning tarkibiy tuzilishi:
 1. Maqola sarlavhasi.
 2. Muallifning F.I.SH., lavozimi, ilmiy unvoni, ish (o'qish) joylari, viloyat, respublika va elektron pochta adresi to'liq keltiriladi.
 3. Annotatsiya (maqolaning qisqacha mazmun va maqsadi, 100-150 ta so'zdan iborat bo'lishi lozim) **o'zbek, rus, ingliz** tillarida beriladi.
 4. Tayanch so'z va iboralar **o'zbek, rus, ingliz** tillarida (7-10 so'zdan iborat bo'lishi kerak).
 5. Kirish (Introduction)
 6. Asosiy qism (Main part)
 7. Natijalar va muhokama (Results and Discussions)
 8. Xulosalar (Conclusions)
 9. Adabiyotlar (References) – alifbo tartibida keltiriladi (15-20 ta adabiyot).
- maqola Times News Roman shriftida, 14 kattalikda, 1 intervalda tayyorlanadi;
- havola(snokalar)lar katta qavsda muallif familiyasi – nashr sanasi – sahifasi [Mo'minov 2020: 25] shaklida keltiriladi;
- maqola tomonlari chap: 3 sm, o'ng: 1,5 sm, yuqori va quyi: 2 sm;
- maqolada keltirilgan ma'lumot va dalillarning ilmiy asoslanganligi, ishonchli va ko'chirmachilik holatlari uchun muallif(lar) mas'uldir.
- Maqolalar ekspertiza qilinadi. Ekspertlar tomonidan **tavsiya etilgan maqolalargina jurnalda chop etiladi**;
- tavsiya etilmagan maqolalar chop etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.
- jurnalning 1 ta sonida muallifning faqat 1 ta maqolasi chop etiladi.
- Maqola so'ngida mualliflar(lar) telefon raqamini kiritishlari shart.

MUROJAAT UCHUN MANZIL:

Toshkent shahri Amir Temur ko'chasi Matbuot;
Samarqand shahri Universitet xiyoboni 15, SamDU filologiya fakulteti
Tel.: +99891 527 68 22 Telegram raqami: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО МЕЖДУНАРОДНОГО ЖУРНАЛА “АЛИШЕР НАВОЙ”

Международный журнал “Алишер Навой” включен в перечень научных изданий, рекомендованных ВАК Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций кандидатов на соискание ученой степени доктора философии (PhD) и доктора наук (Д.б.н.). Он также будет включен в систему Crossref.org в США, и каждой статье будет присвоен номер DOI. Статьи для публикации в журнале принимаются по следующей тематике:

- **НАВОЙ И ВСЕМИРНАЯ ЛИТЕРАТУРА**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЯЗЫКОЗНАНИЯ**
- **ТЮРКСКАЯ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА ЭПОХИ ТЕМУРИДОВ**
- **БЕСЦЕННЫЕ РУКОПИСИ** (рукописи произведения Навои, проблемы наследия Навои и текстологии)
- **ОКЕАН МЫСЛЕЙ** (переводы произведений Навои на английский, французский, немецкий, русский, китайский, японский, корейский, индийский языки)
- **ИЗЫСКАННОСТЬ ПРОЗЫ И ПОЭЗИИ НАВОЙ** (для исследований в области прозы и поэзии Навои)
- **НАУКА, МИР И УЧЕНЫЙ** (научное наследие Навои и его научные взгляды)
- **ПУТЬ К ИСТИНЕ** (философские взгляды Навои)
- **ДУХОВНОЕ ОЗАРЕНИЕ** (Навои и ислам, нравственно-духовные воззрения Навои, Навои и суфизм)
- **ПОЭТИКА НАВОЙ** (вопросы поэтики, системы аруз, ритмики и рифмы)
- **ИССЛЕДОВАНИЕ ТЮРКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ЛИТЕРАТУРНОГО ВЛИЯНИЯ**
- **НАВОЙ И ВОПРОСЫ ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ**

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЕЙ:

- Объем статьи: около 10-15 страниц;
- Статьи принимаются на **узбекском, турецком, русском, английском и французском языках**;
- Структура статьи:
 1. Название статьи.
 2. И.Ф.О. автора, должность, научная степень, место работы (учёбы), область, республика, электронная почта.
 3. Аннотация (краткое содержание и цель статьи, статьи в объеме 100-150 слов) на **узбекском, русском и английском языках**.
 4. Ключевые слова и выражения на **узбекском, русском и английском языках** (7-10 слов).
 5. Вступление (Introduction)
 6. Основная часть (Main part)
 7. Результаты и обсуждение (Results and Discussions)
 8. Заключение (Conclusions)
 9. Литература (References) в алфавитном порядке (15-20 наименований).
- Шрифт текста – Times New Roman; размер — 14 пунктов; межстрочный интервал — 1,5;
- Сноски приводятся в квадратных скобках с указанием *фамилии автора – года издания – страницы* [Мўминов 2020: 25];
- Параметры страницы: слева 3 см, справа 1,5 см, сверху и снизу по 2 см;
- Ответственность за научную обоснованность, достоверность приведенных в статье данных и оригинальность несут авторы статьи.
- Статьи проходят обязательную экспертизу. В журнале публикуются **статьи, рекомендованные экспертами к публикации**;
- Нерекомендованные публикации статьи не публикуются и не возвращаются авторам.
- В одном номере журнала публикуется только 1 статья автора.
- В конце статьи необходимо указать контактный номер автора.

НАШИ КОНТАКТЫ:

Ташкент, проспект Амира Темура, улица Матбуотчилар;
Самарканд, Университетский бульвар, 15, факультет филологии СамГУ
Тел.: +99891 527 68 22 Телеграм номер: +99891 527 68 22
E-mail: alishernavoiy2020@mail.ru



ALISHER NAVOI INTERNATIONAL JOURNAL INFORMATION LETTER

Alisher Navoi International Journal is included in the list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of the dissertations of candidates for the degree of Doctor of Philosophy (PhD) and Doctor of Science (DSc). It will also be included in the Crossref.org system in the United States, and each article will be assigned a DOI number. The magazine publishes articles on the following sections:

- **NAVOI AND WORLD LITERATURE**
- **NAVOI AND LINGUISTIC ISSUES.**
- **TURKISH AND UZBEK LITERATURE OF THE TEMURIDS PERIOD**
- **INVALUABLE ESSAYS** (for manuscripts of Navoi's works, Navoi's heritage and textual issues).
- **ORIGINAL WORK** (mainly in English, French, German, Russian, Chinese, Japanese, Korean, Hindi).
- **BEAUTY OF NAVOI PROSE AND POETRY** (for research on Navoi prose and poetry).
- **SCIENCE, THE WORLD AND SCIENTIST** (for Navoi's scientific heritage and views on various sciences).
- **JOURNEY TO THE TRUTH** (Navoi's philosophical views).
- **THE LIGHT OF ENLIGHTENMENT** (Navoi and Islamic enlightenment, Navoi's religious-enlightenment views, Navoi and mysticism).
- **NAVOI POETICS** (Issues related to eloquence, maturity, art, rhyme and rhyme).
- **RESEARCH OF TURKISH CLASSICAL LITERATURE AND ITS COMPARISON WITH OTHER LITERATURE**
- **NAVOI AND LITERARY INFLUENCE ISSUES.**
- **NAVOI AND EDUCATIONAL ISSUES.**

REQUIREMENTS FOR ARTICLES:

- the article is presented in 10-15 pages;
- Articles are accepted in **Uzbek, Turkish, Tajik, Russian, English, French**;
- Structure of the article:
 1. Article title.
 2. Full name of the author, position, academic title, place of work (study), region, republic and e-mail address.
 3. Annotation (brief content and purpose of the article, should be 100-150 words) is given in **Uzbek, Russian, English**.
 4. Key words and phrases in **Uzbek, Russian, English** (should be 7-10 words).
 5. Introduction
 6. Main part
 7. Results and Discussions
 8. Conclusions
 9. References - listed in alphabetical order (15-20 references).
- The article is prepared in Times News Roman font, 14 sizes, 1 space;
- references are given in parentheses in the form of the author's name - date of publication - page [Muminov 2020: 25];
- sides of the article left: 3 cm, right: 1.5 cm, top and bottom: 2 cm;
- The author (s) are responsible for the scientific validity, reliability and copying of the information and evidence presented in the article.
- Articles will be examined. Only articles recommended by experts will be published in the journal;
- Un recommended articles will not be published and will not be returned to the authors.
- Only 1 article by the author is published in 1 issue of the magazine.
- The author (s) must enter a phone number at the end of the article.

ADDRESS:

Tashkent city, Amir Temur street Press; Samarkand University Boulevard 15,
SamSU Faculty of Philology Phone: +99891 527 68 22
Telegram number: +99891 527 68 22 E-mail: alishernavoi2020@mail.ru



NAVOIYNI ANGLASH

Tarix, degani bu – jang-jadal emas,
So‘zdir u, so‘zlarda aks etgan ma’no.
Balki turkiyni ham birov til demas,
Navoiy nazmidan tuymasa navo.

Uyg‘oq shuur bilan xayolga tolsak,
Navoiy va imon – egiz tushuncha.
Shoirlar biz qancha yaqin borolsak,
Xudoga yaqinlab borurmiz shuncha.

El g‘amin o‘ylagan bari bir o‘lmas,
Uni kutar doim taqdir alomat.
Bu teran nolalar hech qachon so‘lmas,
Ko‘ngilni avaylab-asrar salomat.

«Ey, Navoiy», deya chorlar o‘zini
Muhabbat yo‘liga, mehr yo‘liga.
«Ey, Navoiy» – jahon ochar ko‘zini,
Tilla tushgan kabi gadoy qo‘liga.

«Ey, Navoiy» – quyosh tushar samodan,
Ketar poy-piyoda ufqlar oralab.
Yurak entikadi toza havodan,
Metin dardlarini tilka-poralab.

Avlod-avlodlarga hamisha yor u,
Turli xalqlar aro raso qaddimiz.
«So‘zimni eshit», – deb bizlarga zor u,
«Biz ham zor», – deyishga bormi haddimiz?

Shukur Qurbon

ALISHER NAVOIY

XALQARO JURNAL
INTERNATIONAL JOURNAL
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ALISHER NAVOIY. SHANXAY. SHANXAY UNIVERSITETI BOG'I
Haykal Ravshan Mirtojiyev va Ye Qing muallifligida 2017-yilda yaratilgan.

АЛИШЕР НАВОИ. ШАНХАЙ. САД ШАНХАЙСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
Статуя создана в 2017 году Равшаном Миртожиевым и Ёе Кингом.

ALISHER NAVOI. SHANGHAI. SHANGHAI UNIVERSITY GARDEN
The statue was created in 2017 by Ravshan Mirtojiyev and Ye Qing.